



ENSURING PUBLIC ORDER AND SECURITY - ENSURING A PEACEFUL, PROSPEROUS AND QUIET LIFE

Ummatov Mukhammadrasul Tursunovich

Doctor of philosophy on sciences in law (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14001371>

ARTICLE INFO

Received: 20th October 2024

Accepted: 27th October 2024

Online: 28th October 2024

KEYWORDS

Public, order, maintenance, security, provision, public order, public security, threat, strategy, tactics, activity, government agency, legislation.

ABSTRACT

The article analyzes the specific features of the concepts of public order and security, as well as the theoretical and legal basis of the reforms implemented today.

ОБЕСПЕЧЕНИЕ ОБЩЕСТВЕННОГО ПОРЯДКА И БЕЗОПАСНОСТИ – ОБЕСПЕЧЕНИЕ МИРНОЙ, ПРОЦВЕТАЮЩЕЙ И СПОКОЙНОЙ ЖИЗНИ

Умматов Мухаммадрасул Турсунович

Доктор философии по юридическим наукам (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14001371>

ARTICLE INFO

Received: 20th October 2024

Accepted: 27th October 2024

Online: 28th October 2024

KEYWORDS

Общественность, порядок, поддержание, безопасность, обеспечение, общественный порядок, общественная безопасность, угроза, стратегия, тактика, деятельность, государственный орган, законодательство.

ABSTRACT

В статье анализируются особенности понятий общественного порядка и безопасности, а также теоретико-правовая основа реализуемых сегодня реформ.

ЖАМОАТ ТАРТИБИ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ – ТИНЧ, ФАРОВОН ВА ОСОЙИШТА ҲАЁТ КАФОЛАТИ

Умматов Мухаммадрасул Турсунович

Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)



ARTICLE INFO

Received: 20th October 2024

Accepted: 27th October 2024

Online: 28th October 2024

KEYWORDS

Жамоат, тартиб, сақлаш,
хавфсизлик, таъминлаш,
жамоат тартиби,
жамоат хавфсизлиги,
тахдид, стратегия,
тактика, фаолият,
давлат органи, қонунчилик.

ABSTRACT

Мақолада жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тушунчаларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларнинг назарий ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Ҳозирги мураккаб даврда тинч осойишта ҳаётимизни асраш ва мустаҳкамлаш, халқимизнинг кафолатланган хавфсизлигини таъминлаш масаласи янада долзарблик касб этмоқда. Барчамизга маълумки, жамиятимиздаги соҳаларда жорий этилган ислохотлар доирасида қонунийлик ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қартилмоқда.

Мамлакатда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқирозлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Айниқса, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ хавотирга солмоқда [1].

Жамият қанчалик ривожланиб борса, барча фуқароларнинг жамоат тартиби ва хавфсизлиги талабларига риоя этишлари, ҳар қандай ғайриижтимоий ҳодисаларга нисбатан муросасизлиги шунчалик катта аҳамият касб қилиб боради. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормаларга қатъий риоя этиш зарурати халқ, давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ. Зеро, улар халқнинг иродасини акс эттиради, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши ва такомиллашувига фаол кўмаклашади, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилади.

Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мақсади ҳамда мазмун моҳиятини англаувчи асосий тушунчаларга «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида» қуйидагича таъриф берилган.



Жамоат (جماعات) арабча сўз бўлиб – бирлашма; уюшма; гуруҳ кўпчиликлари, оммага қарашли, тегишли маъноларни англатади [2].

Тартиб (تارتیب) арабча сўз бўлиб – тайёрлаш, ташкил этиш; интизом; мойиллик, рағбат; режа маъносини англатиб: иш-ҳаракат, тадбир-чора ва шу.кабиларда.риоя қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва шу қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолат [3].

Сақлаш (ساقلاش) – «сақламоқ» сўзига синоним бўлиб, эҳтиёт қилмоқ, асрамоқ, ташқи таъсирдан муҳофаза қилмоқ, қўриқламоқ, ҳимоя, тўхтатиб қолмоқ, асл ҳолатини ўзгартирмаслик олиб қолмоқ, риоя қилмоқ, муайян ҳолатга амал қилмоқ ҳамда асрамоқ ва тутмоқ каби маъноларни билдиради [4].

Хавфсизлик – хавф-хатарнинг йўқлиги; хавф бўлмаган ҳолат [5].

Таъминлаш (ўзаги арабча «таъмин (تامین)– кафолат, таъминлаш; гаров; хавфсизлик; «омин» дейиш, омонлик бериш); таъмин қилмоқ маъносини англатиб, бирор нарсанинг амалга ошиши, рўёбга чиқиши, муҳайё бўлиши учун зарур шароит яратмоқ қониқтирмоқ, кифоя қилмоқ [6] деган тарзда талқин қилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки юқорида келтирилган сўзлардан келиб чиқиб мавзуга оид бир қанча адабиётларда “Жамоат тартиби”, “Фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги”, “Жамоат хавфсизлиги”, “Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш”, “Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш” ҳамда “Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси” билан боғлиқ бошқа тушунчаларнинг [7] мазмун-моҳияти юзасидан таърифлар батафсил берилган.

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳуқуқ нормалари ва бошқа ижтимоий нормалар билан тартибга солишда асосий ўринни конституциявий нормалар эгаллайди.

Мисол учун бош қомусимизнинг 71-моддасига мувофиқ, «Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлик-ларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашма-ларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади. Махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади»[8].

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда қонунлар, давлат ҳокимияти органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатлари нормалари алоҳида ўрин тутади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни белгиловчи нормалар жиноят қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мавжуд. Бундай нормалар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, мамлакат Президентининг фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси вакиллик ва ижроия ҳокимият органларининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг бошқа ҳужжатларида, маҳаллий ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.



Юртимизда жамоат тартибини ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар, жумладан: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат санитария назорати тўғри-сида”ги (1992), “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1992), “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1996), “Наркотик моддалар ва психотроп воситалар тўғрисида”ги (1999), “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда ҳолатлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (1999), “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида”ги (2000), “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида”ги (2000), “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги (2000), “Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида”ги (2001), “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги (2007), “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги (2009), “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги (2013), “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги (2014), “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги (2015), “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (1993, 2016), “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997, 2016), “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (1997, 2016), “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги (2018) ва “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги (2022) қонунлари қабул қилиниб ижроси таъминланмоқда.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон [9], 2022 йил 28 январь “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон [10] ҳамда 2023 йил 11 сентябрь “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги ПФ-158-сон

[11] Фармонларида белгиланган вазифаларни ҳар томонлама чуқур танқидий таҳлилга асосланган қоида ва ҳулосаларга таяниб ҳамда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ишончли ҳимоя қилишга қаратилиб келинмоқда.

Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармонида [12]. ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари белгиланди.

Мазкур йўналишлар ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш тизимини ҳам тўлиқ қамраб олган. 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-2940-сон, 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон, 2018 йил 19 июндаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3786-сон,



2018 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4075-сон ҳамда уларнинг ижроси доирасида қабул қилинган ва босқичма-босқич амалиётга жорий этилаётган комплекс чора-тадбирлар мамлакатда, унинг ҳар бир маъмурий-худудий бирликларида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашнинг янги тизимини шакллантиришни назарда тутган.

Ички ишлар органларининг мамлакатда, унинг барча худудий бирликларида жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш бўйича янгидан шаклланиб келаётган тизимини самарали бошқариш ҳар бир раҳбардан юқори даражадаги касбий салоҳият ва фидойилик талаб қилади.

Бу борада Мухтарам Президентимизнинг 2021 йил 29 ноябрь куни Ўзбекистонда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг янги тизимини жорий этиш бўйича имзоланган 27-сонли Фармонлари [13] алоҳида ўрин эгаллайди. Ўтган давр давомида фармон ижросини ташкил этиш ва субъектлар ўртасидаги ҳамкорликни самарали йўлга қўйиш бўйича мамлакатимизда илк бор жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, уни амалга ошириш механизмлари, жамоат хавфсизлигини таъминловчи 10 та вазирлик ва идораларнинг яъни Вазирлар Маҳкамаси, ИИВ, ДХХ, МГ, ФВВ, Бош прокуратура, Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий ҳокимликларга аниқ вазифалари белгилаб берилиши айни муддао бўлди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда ҳар қандай кўринишдаги террористик ва экстремистик фаолиятни аниқлаш ва унга чек қўйиш, коррупция, гиёҳванд ва психотроп моддалар, қурол, ўқ-дори, портловчи моддалар, ноқонуний миграция ва одам савдоси ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш, туризм объектларининг узлуксиз ва хавфсиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, транспорт воситаларининг хавфсизлик стандартларини ва йўл ҳаракати қоидаларини такомиллаштириш орқали йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида етказиладиган зарар ва ўлим билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш ва фуқаролар томонидан қайта жиноят содир этилишига йўл қўймаслик, аҳоли ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилиш, фуқаро муҳофазаси, ёнғин хавфсизлигини таъминлашда аҳолининг кўникмаларини



шакллантириш ва доимий такомиллаштириб бориш ва бошқалар жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишлатилигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этишда жамоат тартиби ва хавфсизлиги таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш вазифаларининг муваффақиятли бажаришда кўп жиҳатдан бугунги кунда ички ишлар органларининг фаолияти қай даражада йўлга қўйилганлигига ҳам боғлиқ.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз // Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи Т., 2016.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Ж ҳарфи [Электрон манба] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20J.pdf. (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Т ҳарфи [Электрон манба] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf. (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – С ҳарфи [Электрон манба] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20S.pdf. (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
5. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Х ҳарфи [Электрон манба] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20X.pdf. (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
6. Ўзбек тилининг изоҳли луғати – Т ҳарфи [Электрон манба] https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20T.pdf. (мурожаат қилинган вақт: 10.09.2024).
7. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш: Дарслик / И.Исмаилов, Ж.С.Мухторов, Ф.Н.Шукуров – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 19 б.
8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145> Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 05.09.2024).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-4947-сон фармони. <https://lex.uz/docs/3107036>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 11.09.2024).
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 11.09.2024).



11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси тўғрисида”ги, ПФ-158-сон фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 11.09.2024).
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли фармони. <https://lex.uz/docs/3159827>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 12.09.2024).
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5749291>. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (мурожаат қилинган вақт: 12.09.2024)